



MUZRABOT

*O'zbekiston—
kelajagi
buyuk
davlat*

Gazeta 1969 yil 1 iyuldan chiqa boshlagan <i>Ijtimoiy-siyosiy gazeta</i>	Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri	2022 yil 31 mart Chorshanba № 6 (4433)
--	--	--

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси

Халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгашининг қирқинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, туман Ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик ходимлари, тумандаги секторлар ҳамда кун тартибига алоқадор ташкилот ва корхоналар раҳбарлари қатнашдилар.

Сессияда “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топириқлар ва кенгайтирилган тарада ўтказилган 30-сонли йиғилиш баёнининг тумандаги ижроси тўғрисида” туман Ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Ачилов, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор таъминлигига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон Фармонининг 11-бандида белгиланган топириқларнинг тумандаги ижроси тўғрисида” туман Ҳокимининг ўринбосари О.Қурбонсайдов, “Ўзбекистон Республикасида Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат ҳаётидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 19 майдаги ПФ-5117-сон Фармонининг тумандаги ижроси тўғрисида туман Ҳокимининг ўринбосари Ш.Азимов, “Музrabот тумани ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи томонидан 2021 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тўғрисида” ту-

ман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи бошлиғи Ф.Алланазаров маъруза қилдилар.

Шундан сўнг депутатлар “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи туман комиссияси таркиби лойиҳаси тўғрисида”ги масалани кўриб чиқдилар.

Шунингдек, сессияда халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари томонидан муҳокама этилган қуйидаги:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сон Фармонининг тумандаги ижроси ҳақида”ги;

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг Музrabот туманидаги Халқ қабулхонаси мудирининг маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва қамбағалликни қисқартириш бўйича келиб тушаётган мувожаатлар таҳлилига асосан жорий йилнинг февраль ойи давомида ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг натижадорлиги тўғрисидаги ахбороти ҳақида”ги;

“Эк்தижманд оилалар рўйхати (“Темир дафтар”)га қиритилган иктимой ҳимояга муҳтож ва эк்தижманд оилаларнинг моддий аҳоли ахшилланиб, доимий даромад манбаига эга бўлган-

лиги ҳақида ҳулосага келиниб, далолатнома расмийлаштирилган оилаларни рўйхатдан чиқариш тўғрисида”ги;

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сон қарорининг тумандаги ижроси тўғрисида” ги;

“Туманни рейтинг баҳолаш кўрсаткичларининг самарадорлиги тўғрисида”ги;

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси йўл ҳўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 декабрдаги ПФ-5890-сон Фармонининг тумандаги ижроси тўғрисида”ги;

“Туманда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар ижроси устидан депутатлик назоратини амалга ошириш тўғрисида”ги;

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармонида белгиланган вазифаларнинг тумандаги ижроси тўғрисида”ги;

“Туман санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томони-

дан 2021 йил давомида ҳамда жорий йилнинг январь, февраль ойларида амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги тўғрисида”ги;

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқларининг қафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон Фармонига асосан Болалар масалалар бўйича туман комиссиясининг ўтган вақт давомидаги фаолияти тўғрисида”ги;

“Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги “213-Ф-сон фармойишига асосан “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Музrabот тумани бўлими қошида очилган “Саховат ва қўмак” жамғармасига тушган маблағларнинг сарфланиши ҳақида”ги;

“Халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгашида доимий фаолият юритувчи экспертлар гуруҳини тузиш тўғрисида”ги;

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 411-сон қарорининг тумандаги ижроси ҳақида”ги;

“Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти Музrabот тумани прокуратурасининг 2022 йил 18 февралдаги тақдимномасини кўриб чиқиш ҳақида”ги; “Халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгаши депутатларини маънавий ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги масалалар кўриб чиқилди.

Сессияда кўриб чиқилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Музrabот тумани Ҳокимининг ҚАРОРИ

Туман Ҳокимининг 2021 йил 22 сентябрдаги «2022 йилда Музrabот туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида»ги 207-8-115-Қ/21-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар қиритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига қўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-57-сонли қарорига белгиланган топириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиш (захиралаш) тўғрисида қабул қилинган қарорига қўшимча равишда ногиронлиги бўлган шахслар учун иш ўринларини банд қилиш мақсадида **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

- Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъиназар, ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони (иловага асосан) 20 нафар кишидан ортиқни ташкил этадиган ташкилотлар сонидан келиб чиқиб, Музrabот туманида ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча 29 та иш ўринлари банд қилинганлиги қорхона ва ташкилотлар кесимида белгиланганлиги иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарорни бажармаган, шунингдек, уларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этган

пишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича қорхона ва ташкилотлар кесимида иш ўринларини ташкил этиш рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Иловада қўрсатилган қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари белгиланган иш ўринлари ташкил этилишини тўлиқ таъминласин.

5. Қуйидагилар: ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарорни бажармаган, шунингдек, уларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этган

Туман Ҳокими
2022 йил 28 март 100-8-115-Қ/22

Э.АЛИМОВ
Музrabот тумани



«Спортни сев, спорт билан яша!»

ТУМАН ҲОКИМИ КУБОГИ

Маълумки, ёшларнинг бўш вақтларини манмунли ўтказиш, уларни спортга қизиқтириш мақсадида туманимизда волейбол турлари бўйича беллашдилар. Мусобақалар қизиқари ва мурасасиз кечди.

Яқунда мусобақа голлибларга пул мукофотлари ва рамзий кубок топирилди. Тақдирлаш маросимида туман Ҳокими ўринбосари Ш.Азимов ва туман ИИБ бошлиғи Ш.Нармуратов қатнашдилар.

нашиш), шахмат, 7 та вазн тоифасида миллий кураш ҳамда эркеклар ва аёллар ўртасида волейбол турлари бўйича беллашдилар. Мусобақалар қизиқари ва мурасасиз кечди.

Яқунда мусобақа голлибларга пул мукофотлари ва рамзий кубок топирилди. Тақдирлаш маросимида туман Ҳокими ўринбосари Ш.Азимов ва туман ИИБ бошлиғи Ш.Нармуратов қатнашдилар.

С.ЮСУПОВ.

«Наврўз байрами — қадриятлар тараннуми»

Шу йил 16 март куни халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Т.Тангиров директорлик қилаётган 47-умумтаълим мактабида шундай деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирдан қўланган мақсад болажонларимизда миллий қадриятларимиз, урф-одат ва аъналаримиз ҳақида кенг тушунчалар ҳосил қилиш эди. Шу муносабат билан мактаб ҳовлиси ва маънавият хонаси миллий меҳнат қуроллари, тарихий топиламалар ҳамда иб меҳнати намуналаридан қў-

рат маданий меросларимиз билан бойитилди ва безатилди. Бундан ташқари ўқувчилар томонидан 5 муҳим ташаббус доирасида чиқишлар қилинди.

Тадбирда маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар, устозлар ҳамда Халқ демократик партияси туман Кенгаши раиси П.Норматов, туман ҳокимлиги вакили К.Ёсановлар иштирок этдилар. Тадбир болажонларга бир олам қувонч бахш этди.

Ҳ.ҲУДОЁРОВ,
халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.

Бўлғуси ҳосил учун

Бугунги имкон — эртанги хирмон

Март ойида ва апрель ойининг биринчи ўн кунлигида галла майдонларига минерал ўғит бериш, суспензия сегилиш, суспензияларнинг ривожланиш жараёнини тезлаштирилади. Шунга асосан, ана шу муддатда суспензиялаш тадбирини 2 марта ўтказиш мақсада мувофиқ бўлади.

Суспензия учун эритма тайёрлашда галланинг туپлаш даврида 10 кг, найчалаш даврида эса 12 кг «Карбамид» минерал ўғитига «Гео Гумат» (1 л/га), «УзГуми», «Гумимакс» (0,5 л/га), «Агро-зим», «Байкал-М» каби ки-мёвий воситаларни (3 л/га)

300 литр сув билан аралаштириб махсус пуркагичлар ёрдамида галла майдонларига сеппи экин ҳосили ва сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Бунда галла ўсимлиги ил-дизидан оладиган озика эле-ментларидан ташқари бар-гидан озиклантирилиши на-тижасида барг сатҳининг қалинлашиши ҳисоби-га ўсимликнинг касаллик ва за-раркундаларга чидамлили-ги ошади.

Музrabот тумани
ўсимликлар
карантини ва
ҳимояси бўлими.

Халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгашининг ҚАРОРИ

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10, 11 ва 12-моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раисларининг ваколат муддати 2022 йилнинг май ойида туғаш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 16 мартдаги КҚ-320-IV-сонли қарорини ижро этиш мақсадида, халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги 2022 йил 16 мартдаги КҚ-320-IV-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.
- Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг навбатдаги сайлови 2022 йилнинг май ойида ўтказилсин.
- Навбатдаги сайловда 37 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоллари) сайланиши маълумот учун қабул қилинсин.
- Қуйидагилар:
2022 йил май ойида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси 1-илова-

га мувофиқ;

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи туман комиссиясининг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларига:

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи туман комиссиясига ва ишчи гуруҳларига амалий ёрдам бериш;

Ўз сайлов округида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга ташкил этишда фаол қатнашиш тавсия этилсин.

6. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашув-

чи туман комиссияси аъзолари жойларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи ишчи гуруҳларига амалий ёрдам кўрсатсин.

7. Туман ҳокимлиги тумандаги қорхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига қўмаклашиш, зарурат бўлганда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Туман Ички ишлар бўлими фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тумандан сайланган депутатлари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи туман комиссияси томонидан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этсин.

10. Туман тиббиёт бирлашмаси

Кенгаш раиси

2022 йил 25 март VI-40-41-8-115-К/22 Музrabот тумани

Э.АЛИМОВ



Халқ қабулхонаси — халқ хизматида

Ногиронлик аравачаси берилди

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан 2016 йил 28 декабрда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4904-сон Фармон имзоланган эди.

Фармонга мувофиқ, жумладан, Ўзбекистон Президентининг Музrabот туманидаги Халқ қабулхонаси ташкил этилиб, ўтган давр мобайнида фуқароларнинг мувожаатлари ижобий ҳал этиш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келинаёпти. Бунга қўллаб қўллаш мумкин.

Хусусан, яқинда туманимиз-

Нормаматова Фотима Хаитовна-23-Дубоа сайлов округидан депутат, меҳнат фахрийси.

Сафаров Зоҳиджон Фурқатович—Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи — комиссия масъул котиби.

Турсунов Сафар—Музrabот тумани Адлия бўлими бошлиғи.

Йўлдошев Абдусалом Ёшмуродович—“Музrabот” газетаси муҳаррири. Холтўраев Шерзод Қўнарович—Республика Маънавият ва маърифат маркази Музrabот тумани бўлими раҳбари.

Даминов Самандар Хушвақтович—Музrabот тумани ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари. Ганиев Абдурашид Мустафоқович—Музrabот тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари.

Хамраев Салоҳиддин Бозорович—Музrabот тумани халқ таълими бўлими мудри.

Халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгашининг 2022 йил 25 мартдаги VI-40-41-8-115-К/22-сон қарорига 2-илова

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи туман комиссияси ТАРКИБИ

Комиссия раиси
Тангиров Турсунқул Ҳўжақулович—Халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгаши раисининг ўринбосари.

Комиссия раисининг ўринбосарлари
Шербоев Дилмурод Норбоевич—Халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгаши котибияти мудри.

Норқобилов Шўҳрат Равшанович—Туман маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Комиссия аъзолари
Собиоров Ёшқолиб Халдарович—Туман маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи.

Азимов Шўҳрат Ризоевич—Музrabот тумани Ҳокимининг ёшлар сессияси, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари.

Худойқулова Озода Шаймуродовна—19-Янгийдёр сайлов округидан депутат, Музrabот тумани 45-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Рамазонов Музаффар Холмиров—7-Дарбанд сайлов округидан депутат, Музrabот тумани 39-сонли умумтаълим мактаби директори.

Чоршанбиев Шерзод Панжиевич—10-Шабда сайлов округидан депутат, Хўсусий тадбиркор.

Мусаев Лазизжон Зафарович—11-Халқобод сайлов округидан депутат, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Музrabот тумани бўлимининг раиси.

Қосимов Иса Аҳмадович—6-Деҳқонобод сайлов округидан депутат, Музrabот тумани «Қосимов» фермер хўжалиги раҳбари.

Қурбанов Бахтиёр Габбаралиевич—3-Таскент сайлов округидан депутат, Музrabот тумани касб-ҳунар мактаби директори.

Президент эътибори

Хотин-қизлар учун улкан имконият

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 1 март куни хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизimini ҳамда уларнинг жамиятдаги маъқеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган эди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”да ҳам аёлларга муносиб шароит яратиш мақсади кўзланганини, шунинг учун Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитасини ташкил этиш бўйича Фармонни имзолаганини таъкидлади. Фармонга мувофиқ эндиликда ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими жорий қилинади. Ушбу лавозимда ишлайдиган масъуллар аёллар масаласи ва уларнинг дарду-ташвиши, муаммолари билан бевосита шуғулланади.

Президент аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишни тубдан кучайтириш ва бу борадаги ёндошувларни қайта кўриб чиқиш вазифасини кун тартибига қўйди. Айниқса, хусусий секторда расмий ишлайдиган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан кафолатли тўлаб берадиган тизим яратилиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Чунки хусусий секторда ушбу харажат туфай-



ли аёлларни расмий ишга олишдан қочиш ҳолатлари борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Энди уларга бир марталик ҳомиладорлик нафақаси тўлаб берилади.

Йиғилишда эълон қилинган бир қатор чора-тадбирлар, яъни эҳтиёжманд ёлғиз аёллар фарзандлари учун давлат боғчалари тўловлари бюджетдан қўллаб берилиши, 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилиши ва яна шунингдек, уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларга иҳара тўловлари учун компенсациялар берилишини

айтди. Сўнгра аёллар саломатлигини тиклаш ва уларга маънавий тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилишини таъкидлади. Эътироф этмоқ жоиз, бу ҳаётбахш ислохотлар “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди” деган эзгу тамойилга асосланган.

Йиғилишда Президентимиз “Битта қиз болани ўқитсангиз – бутун оилани ўқитган бўласиз” деган иборага бежиз ургу бермади. Чунки бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинади. Ушбу ҳужжат доирасида барча тала-

ба қизларга таълим контрактларини тўлаш учун фоизсиз кредит бериш тартиби ҳам жорий қилиниши барча юрдошларимиз учун муҳим янгилик бўлди. Билимли, шижоатли хотин-қизларнинг илм-фанга бўлган қизиқиш ва иштиёқини ошириш мақсадида, жумладан, келгуси ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари давлат томонидан тўлиқ қўллаб берилиши кутилмаган хушхабар бўлди. Докторантура йўналишида эса хотин-қизлар учун ҳар йили 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида бу борада изчил ишловлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти аввало аёлларга, ёшларга бўлган муносабат ва эътиборга боғлиқ. Шу боисдан бизнинг давлатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни бекиёс. Хулоса қилиб айтиладиган бўлсақ қабул қилинган тарихий ҳужжат бу масалага Президентимиз томонидан қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси дур.

Г.ҚУРБОННАЗАРОВА.

60 ёш – муборак ёш

БАХТ ЯРАТГАН ИНСОН

“Яхши номни меҳнат билан орттириш керак, яхши ном чиройлик сўзлар учун, ваъдалар учун берилмайди, балки меҳнат натижаси учун, меҳнатга қўйилган меҳр учун берилади”, дейди алломалардан бири. Дарҳақиқат, бу ҳаётда ҳалол меҳнати орқали яхши ном қозongan инсонлар элда эъзозланади, ҳурмат-эътиборда бўлади. Ана шундай инсонлардан бири 2-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси Тўхтамиш Исмоиловдир.

Тўхтамиш Исмоилов 1962 йил 26 мартда Ангор туманида таваллуд топган. Тумандаги 3-мактабни 1979 йилда тамомлаб, Тошкент Давлат педагогика институтининг бадиий графика факультетига ўқишга қабул қилинади. Тиришқоқ талаба олийгоҳда “катта қозонда қайнади”. Яъни Ўзбекистон халқ рассоми, академик Малик Набиев, машҳур ҳайкалтарош Абдумўмин Бойметов, Янис Салпикиди, Илёс Раҳмонов ва бошқа бир қанча таниқли устозлар қўлида рассомлик сабоқларини ўрганди.

Нобё иқтидор соҳиби Т.Исмоилов олийгоҳни 1985 йил тамомлагач, илк меҳнат фао-



лиятини Ангор туманидаги 29-мактабда мутахассислиги бўйича ўқитувчиликдан бошлади. 1986 йилда туманимиздаги (собиқ Мирзо Улуғбек номили) 2-умумий ўрта таълим мактабида давом эттирди. Ёш педагог шу орада ҳарбий хизматда йигитлик бурчини адо этиб қайтган, туманимиздаги 48-, 54-, 56-, 47-мактабларда болаларга тасвирий санъатдан сабоқ берди.

-Мактаблардаги фаолиятим давомида кўпгина шоғирларим туманда ва вилоятда ўтказилган кўрик-танловларда юқори натижаларни қайд этишди. Айниқса, Музработ

педагогика коллежида таҳсил олган ўқувчиларимдан бири ранг-тасвир йўналишида республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловда фахрли 1-ўринни олди. Чизмачилик фанидан ўтказилган танловнинг вилоят босқичида 2 нафар ўқувчим 1 ва 2-ўринларни, шунингдек, республика босқичида ҳам фахрли ўринларни эгаллаб қайтишди. Шу хизматларим эвазига мен “Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланганман.

“Бахт одамни эмас, одам бахтни вужудга келтиради”, дейдилар. Қаҳрамонимиз Тўхтамиш Исмоилов ҳам касбида, оиласида бахт яратган инсонлардан саналади. Турмуш ўртоғи 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси Муҳаббат Қурбонова билан 3 нафар фарзанд ва 8 нафар набираларнинг ардоғида умргузaronлик қилиб келишмоқда.

Мавридида, истеъдодли ва салоҳиятли устоз Тўхтамиш Исмоиловни муборак 60 ёш баҳори билан самимий кутлаб, оилавий хотиржамлик ва танихатлик тилаб қоламиз!

Сирожиiddин ҚУЛБОБОВЕВ, Халқаро Турон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, 2-мактабнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.

Миллий қадриятларимиз

Наврўз байрами тарихига бир назар

Наврўз байрамнинг қачон вужудга келгани ҳақида бизгача етиб келган қадимий манбалардан шу нарса қўринадики, у Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда Аҳамонийлар даврида (милoddан аввалги VI асрларда) кенг тарқалган. Шу маънода Наврўзнинг тарихини 25-30 асрга эга деб тахмин қилиш мумкин.

Наврўз қачон, қандай вужудга келганидан қатъи назар, у ҳар томонлама илмий асосланган, коинот ва табиат қонуниятлари ҳисобга олинган ҳолда жорий этилган. Чунончи, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, қундузнинг узаъ бошлаши, ёруғлиқнинг кучайиши, табиатнинг жонланиши – Наврўз деб қабул қилинган (Наврўз – «янги кун» деган маънони билдирди). Наврўз эски қуёш календарини ҳисобидан фарвордин ойининг бошланишига (ҳозирги 22 мартга) тўғри келган. Бу кун «Кичик Наврўз» деб аталар ва бу кундан бошлаб табиатдаги ҳамма нарса амалга қиради, деб ҳисобланган.

Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» номили китобида қимматли маълумотлар бериб, унда кичик байрам фарвордин ойининг олтинчи кунигача давом

этганини таъкидлаган. Демак, фарвордин ойининг олтинчи кунини «Катта Наврўз»нинг моҳиятини бевосита табиат билан боғлайди ва бу ҳақда шундай ёзади: «...У бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишдан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашдан мевалари етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунча давом этадиган вақтда келади.

Бу фикрлар Наврўзнинг қадимдан табиат ва баҳор байрами бўлганини яна бир қарар исботлайди. Бироқ тарихда Наврўзнинг мазмуни турлича талқин қилиб, баъзилар уни тараққий эттиришга, бошқалар эса уни таъкидлашга ҳаракат қилишди. Жумладан, грек македон ва араб иттилоиси даврларида Наврўз таъқиланган. Наврўз ўтмишдаги ҳар бир

синфий жамиятда подшоҳлар ҳукмдорлигида шаклан ўзгариб турса-да, у ўзининг асосий моҳиятини сақлаб қолди. У ҳақиқий халқ байрами бўлиб, меҳнат аҳли орасида катта тантаналар билан нишонланган. Бинобарин, қадимдан халқда байрамни ўтказишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари бўлган.

Худудларимизга Ислom дини кириб келгунча Наврўзда оддий халққа тегишли қуйидаги одатлар бўлган. Байрам кунини одамлар бир-бирига шакар ва ширинликлар ҳадя қилишган (ҳаётингиз ширин бўлсин деган маънода), бир-бирига сув селишган (бу йил сув кўп бўлсин, ҳосил мўл бўлсин деган маънода) ва бошқа одатлар кенг тарқалган. Кейинги асрларда эса ҳовли-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар экиш, ота-она, ёру дўстларни, марҳумларнинг қабрини зиёрат қилиш каби одатлар Наврўз байрамнинг таркибий қисмига айланган.

Дилором ГАФОРОВА, 54-мактабнинг олий тоифали тарих ўқитувчиси.

Жавондаги жавоҳир

КИТОБ – МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ АСОСИ

Китоб инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, билим манбаидир. Китоб инсон тафаккурини бойитади. Шунинг учун доно халқимиз уни азиз ва муқаддас неъмат дейишди. Шундан бўлса керак, китобга муҳаббат, уни қадрлаш одамларнинг қон-қонига сингиб кетган. Бироқ сўнгги йилларда китобга бўлган муносабат, айниқса, ёшлар ўртасида ўзгарди. Чунки уларнинг ақсариёти кўпроқ кино, видео, компьютер, интернет тармоғига муккасидан кетганлиги сир эмас. Исталган маълумотларни, янгилик ахборотларни интернетдан олиш мумкин. Ачинарлиси, бутун китобни ўқиш учун ҳожат йўқдек. Аслида, ҳеч бир ахборот воситаси, кино ёки сериаллар бадиий асар ўрнини босолмайди.

Яқинда 14-15 ёшлар атрофида бўлган, қўл ушлашиб келаётган (мактабдан қайтаётган бўлса керак менимча) икки қизнинг ўзаро суҳбат эътиборимни тортди. Биринчи қиз дугонасига қараб:

-Кеча “Туғмас” сериалини кўрдингми?–деди.

-Йўқ, Азиза, улгурмадим, акам футбол томоша қилаётгани учун телевизорнинг пулти қўлимга ҳам тегмади-да. Ўзинг гапириб бер”.

Дугонасининг кистови билан сериалнинг воқеа-ҳодисаларини оқизмай-тоғизмай сўзлай кетди. Худди шунингдек, савияси паст, мантиқсиз “Бепушт”, “Сабрият”, “Ўзжар ҳомиладори” номли сериаллар ёш авлодга маънавий озуқа бераоладими? Сахнадаги фаҳшини тарғиб этувчи ёки бойвачча йигитни “қармоғи”га илтиришишни режалаштираётган ёш қизлар образини кўриб, уларга тақлид қилаётган қизлар сони кўпаймайди деб айтиш мумкин. Бош ролларда ўйнаётган “қаҳрамонлар”нинг кийиниши, ҳаддан ортиқ пардос-андози, ёки сериалдаги йигитларнинг ўз ўртоқларига чоқ қазिश воқеалари ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир этишини биламиз.

Афсусландиган томони шундаки, ота-оналарнинг ўзлари сериалларга муккасидан кетган. Улар ҳаттоки уй юмушлар

рини сериалларга қараб режалаштиради. Мазрифатли оилаларда эса китобга эътибор фарзандлар тарбиясида қўл келади. Китобхонлик оиладаги муҳитга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Фарзандларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Дарҳақиқат, китоб – бебаҳо хазина. Аммо бугунги кунда орамизда бу маънавий бойликдан бебаҳра қолаётган ёшлар ҳам афсуски бор. Улар интернет кафееларда вақтини беҳуда ўтказаятир. Интернетни китобдан афзал билишади.

Шу ўринда ижтимоий тармоқларнинг салбий оқибатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мисол учун, интернетда кўп вақтини ўтказаяётган ёшларга бир эътибор қилинган. Улар жиззаси, атрофга эътиборсиз, лоқайди. Гўёки интернет тармоқларисиз ҳаёт тўхтаб қоладигандек. Тўғри, ахборот асрида ашяямиз. Бироқ ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлгани яхши.

Гоҳида китоб кўргазмаларида баъзи ота-оналар китобларнинг нархи баландлигидан нолиб қолади. Аммо энг қимматбаҳо русумдаги машина минишади. Китобга келганда сотиб олишга оғринади.

Бир воқеа ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Бир кун дадам (раҳматли) биз – уч опа-сингилни



китоб дўконига олиб борган эдилар. Ҳар хил, чиройли муқовадаги китоблар мени ўзига ром этганди. Сўнгра Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат” романини харид қилганмиз.

Ёшлигимда уйимизнинг ёнгинасида эски бино бўларди. Унинг ичиди нураб кетган кутубхона ва Эгамберди бобонинг кино қўядиган хонаси бор эди. Мактабдан келиб, шу кутубхонага тезроқ боришга шошардим. Чунки зах, атрофи аллақачон тўқилишга улгурган нурухонада исталган бадиий китобни топиш мумкин эди. Ўшанда, Ойбекнинг қалим муқовали, яшил рангдаги “Қутлуғ қон” романини олиб йиғлаб ўқиб чиққанман.

Талабагилгимда эса энг яхши кўрган жойим Чорсуда жойлашган “Турон” кутубхонаси эди. Ўзимизнинг машҳур ёзувчилардан тортиб, чет эл адиблари асарларини илк марта ўша кутубхонадан топиб ўқиганман. Асарлардаги қаҳрамонларнинг дунёси, ҳаётни теранроқ англашимга туртки бўлган.

Биз аслида нима учун китоб ўқиймиз? Сабаби оддий: китоб-

да ҳеч нарса билан таққослаб ва ҳеч қаердан топиб бўлмайдиган ҳаловат бор. Яна биз каби китобхонларга дунёни қалб кўзи билан кўришимизга ёрдам беради.

Ҳаётимиздаги ўзгаришлар, янгиликлар, аввало, фарзандларимиз нигоҳида акс этади. Айниқса, уларни мутолаа завқини ҳис қилишга, юрагиди Ватанга муҳаббат, одамларга меҳр-оқибат, ҳурмат туйғуларини жойлаб камол топтирадиган китобга дўст тутишига ундайди. Албатта, шу ўринда Ўртбошимизнинг “Бугун китоб ўқиётган бола эртага телевизор кўраётган болаларнинг ўнтасини, керак бўлса, юзтасини бошқани олиб йиғлаб ўқиб чиққанман.

Талабагилгимда эса энг яхши кўрган жойим Чорсуда жойлашган “Турон” кутубхонаси эди. Ўзимизнинг машҳур ёзувчилардан тортиб, чет эл адиблари асарларини илк марта ўша кутубхонадан топиб ўқиганман. Асарлардаги қаҳрамонларнинг дунёси, ҳаётни теранроқ англашимга туртки бўлган.

Биз аслида нима учун китоб ўқиймиз? Сабаби оддий: китоб-

қан. Унинг фикрича, склет аёл кишиники бўлиб, инсон эволюциясининг неандертал фазасига мансуб.

Бугун юртимизда тарихни ўрганиш, уни тадқиқ этиш борасида катта ишлар олиб боришмоқда. Илмий изланишлар албатта, олға сурилаяётган фазаларга оидинлик киритади. Аммо, неандертал боладай қадимий одамизда наслининг айнан юртимизда топилгани барчамизга ифтихор бағишлайди. Зотан, дунё тамаддунига ўз ҳиссасини қўшган она заминимиз, одамзоднинг илк наслини ҳам ўз қучоғида улайтирган, камол топдирган.

Жаҳонгир АХРОРОВ.

Инсоният тарихи

ТЕШИКТОШ FORI

Форнинг шифти тешик тешик бўлиши учун гулхан ёқилса, тепаданги туйнукдан чиқиб кетаверган. Форда 1,5 метр қалинликда 5 маданий қатлам бўлиб, ҳар қатламдан биттадан, баъзиларида эса иккитадан, диаметри 40 сантиметр, сатҳи 2 метрга етадиган гулхан қолдиқлари топилган.

Айниқса, Тешиктош форидан топилган қадимги одам қолдиқлари халқимизнинг қадим илдишларга эга эканини ифодалайди. Бу ерга ҳар йили кўплаб

сайёҳлар ташриф буюради. Тешиктош ғори шунчаки сайёҳлар учун томоша маскани эмас, балки илмий доира вакиллари ҳам доимий мулоҳазага, мунозараларга чорлаб қолади. Археолог Окладников бу ғордан 8-9 ёшли боланинг бош ва склет суякларини топган. 1949 йилда антрополог Герасимов бош суяги асосида Тешиктош одамнинг юз тузилишини тиклаган. 1973 йили антрополог Алексеев Тешиктош одамини тўла ўрганиб чиқ-

MUZRABOT

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari
Muzrabot tumani Kengashi
va tuman hokimligi

Muharrir
Abdusalom YO'LDOSHEV

Tahririyat manzili:
191300. Muzrabot tumani, Xalqobod qo'rg'oni,
Amir Temur ko'chasi, 9-uy.
Telefonlar: 34-91-380, 34-91-118.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta ro'yxatga olingan. ISSN 2181-7006.

E-mail: shaymardonov8787@mail.ru
Buyurtma G- 3518 nuxxada bosildi. Qog'oz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taqob. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi-473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi B.Shoyardonov. Navbatchi muharrir A.Yo'ldoshev.
Navbatchi S.Qulboboyev.

Gazeta «Denov bosmaxonasi» MChJda chop etildi.
Korxona manzili: Denov shahri, Sh.Rashidov ko'chasi, 247-uy.
Topshirish vaqti – 10-30. Topshirildi – 10-30